Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган	№ 30 (65906) 1996 йил, 4 май, шанба	Сотувда эркин нархда

ФИЗИКЛАР, ЛИРИКЛАР ВА БИР УСТОЗ

Меҳрибон, меҳри бор муаллим

«Фазокор» деб номланувчи мактаб деворий газетаси тайёр бўлган ҳам эдики, хонага Дилором опа кириб келди.

— Энди чақирмоқчи бўлиб турган эдик, осишдан аввал бир кўз ташлаб берсангиз, — дейишди «Ёш техниклар» тўгараги аъзолари.

Муаллима газетани синчиклаб ўқиб чиқди.

— Умуман ёмон эмас, — очиқ чеҳра билан деди устоз, лекин физика фанидан келгуси олимпиадада қатнашувчи номзодлар рўйхатини ё каттароқ ёки бўлмаса бошқачароқ рангда берганингларда яхши бўларди, кейин ҳамма мақолалалар фақат мактовдан иборат бўлиб қолмабдимикан, наҳотки физикадан мактаб бўйича ўзлаштиришда дангасаликка йўл қўяётганлар йўқ?

Дилором опа яна бир қанча фикр-мулоҳазалар билдирди.

—Макетимизни қайта ўзгартирамиз шекилли, ахир газетамизни режалаштириш вақтида улар ҳаммасини кўрган эдилар-ку? - деди кимдир.

— Мабодо устознинг гаплари малол келаётган бўлса сен қатнашмай қўяқол. Улар тўғри айтаяптилар. Яна озгина меҳнат қилсак, ишимиз кўринади, —деди бошқаси.

— Ҳозир макетни бузиш шарт эмас, келгуси сонларда сизлар эътибор беришингиз зарур бўлган мулоҳазаларни айтдим, — дея газетани осишга рухсат берди қайтиб кирган муаллима.

Тажрибали физика ўқитувчиси Дилором опа Камолова ўз шогирдлари қалбида фанга чуқур меҳр-муҳаббат уйғотиш билан бирга келгусида уларнинг , ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилмоқда. У дарс бераётган Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 11-мактабда «Ёш техниклар» тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Тўгарак аъзолари чиқараётган «Фазокор» деворий газетасининг ҳар сони ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинади.

Мактаб ўқувчиларининг ҳар йилги фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этаётгани ва бошқа ютуқларнинг ҳаммаси муҳтарама муаллиманинг ўз касбига меҳр-муҳаббатидандир.

Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.

Суратда: Дилором опа Камолова ёш физиклар билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

БЎЛҒУСИ ОЛИМПИАДАЧИЛАРМИЗ

Шу йилнинг 19 июлида Американинг Атланта шаҳрида катта спорт мусобақалари бошланади. Унда республикамиздан паҳлавон акаларимиз, чаққон опаларимиз ҳам иштирок этишади. Ана шулар ҳақида ўйлаганимда юрагимни ҳаяжон эгаллайди. Кўз олдимга дастлаб ўз мактабдошларим келади. Сабаби, улар орасида умидли спортчилар жуда кўп. Буни 1994-1995 йиллардаги республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасида ғолиб чиққанликларидан ҳам билса бўлади. Бу ютуқларни қўлга киритишда устозларимиз Отамуродов, Шодиев, Султонов катта ҳисса қўшишди.

Уқув масканимиздан 100-150 метр нарида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бор. У ер доимо болалар билан гавжум. Улар орасида менинг мактабдошларим ҳам талайгина.Спортнинг футбол, спорт тенниси, шахмат-шашка, миллий кураш, каратэ-до турларига қизиқиш жуда катта.

Айни кунларда спорт мактабида қайта таъмирлаш ишлари қизғин кетаяпти. Спорт заллар, кийиниш-ечиниш хоналари қайта оқланиб, спортга оид шиорлар лотин алифбосида чиройли қилиб ёзилаяпти. Мени қувонтирган яна бир нарса: бу ерда таъмирлаш ишлари кетаётганлигига қарамасдан машғулотлар ҳам тўхтатилгани йўқ.

Муҳаббат НАСИЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
3-мактаб ўқувчиси.

БОТИРЛАР ВАТАНИ

Севимли шоиримиз Рауф ТОЛИБ 50 ёшда!

Менинг буюк Туроним
Мард, ботирлар Ватани,
Тўмарисдай, Широқдай
Баҳодирлар Ватани.

Улуғ темур бобомиз
Севган, сиғинган Ватан!
Бобур Мирзо доимо
Қўмсаб, соғинган Ватан!

Ватан сўзин боболар
Тилидан ҳеч қўйганми?
Усмон Носир, Чўлпонлар
Чиройига тўйганми?

Инсон Ватан дер ҳар чоқ,
Ватан — шодлик, қайғуси.
Ватанни озод кўрмоқ
Инсонларнинг орзуси,

Бахт қуёши — истиқлол
Юртим узра сочди нур.
Ўзбекистон Ватаним,
Мустақилдир эркин, ҳур!

Бир ҳафта янгиликлари

ЯНГИ КЎКРАК НИШОНИ

Юртимизда буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланаётгани барчамизга маълум. Шундай кунларда яна бир хайрли тадбирга қўл урилди. Юртбошимиз ташаббуси билан «Амир Темур» орденини таъсис этиш» тўғрисида қонун қабул қилинди. Ушбу нишон фуқароларнинг давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчилик, илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун берилади.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН СПЕКТАКЛЛАР

Театр деганда кўз олдимизга «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Шум бола», «Қизил шапкача» каби саҳна асарлари келади. Тез кунларда шунга ўхшаш спектакллардан яна баҳраманд бўлишингиз мумкин. Чунки Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги «Болаларга аталган спекталлар» кўрик-танловини эълон қилди. Ғолиб чиққан саҳна асарини катта мукофот кутмоқда.

ЛОТИН АЛИФБОСИДАГИ ДАРСЛИКЛАР

Сиз ёзишда қўллаётган кирилл алифбоси бора-бора лотин алифбосига ўзгаришидан хабарингиз бор. Лекин ўша кунлар у қадар узоққа ўхшамайди. Чунки Нукусдаги «Билим» нашриётида дарсликларни лотин алифбосида нашрга тайёрлашга киришилди. Тез кунларда лотин алифбосида ўқиб, ёзсак ажабмас.

БУЛОҚБОШИДА «СУТ БУЛОҒИ»

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғидаги барча мактаб ошхоналари дастурхонидан эндиликда сут аримайдиган бўлди. Бу ерда ҳар куни 10 тоннача сутни қайта ишлаб, ундан қаймоқ, сариёғ, пишлоқ ва сузма тайёрлайдиган янги цех фаолият кўрсата бошлади. Цех маҳсулотлари биринчи навбатда болалар муассасаларига етказиб берилади.

Шоирлиги учун севардим...

— Рауфжон, сени Юсуф аканг чақираяпти, ҳадеб дарсхонада утиравермай, мундоқ ташқариғаям чиққин, болам!

Рауфжон бу овозни эшиттани ҳамон тезлик билан дафтарини ёпиб, ҳовлига чиқди.

Шоир Юсуф Шомансур урик дарахтига тикилганича хаёлга берилганди, чамаси болакайнинг кутиб турганлиги ҳам ёдидан кутарилган эди. Рауфжон ҳам то узи у томонга қарамагунча индамай тураверди.

— Ие, укажон, келдим демайсанми? — жилмайди Юсуф ака, — кейин давом этди. — Эртага уйимизга Ғайратий домла, Қуддус Муҳаммадий, Хайриддин Салоҳ меҳмон булиб келишади. Энди сен ҳам машқларингни олиб чиқсанг, мен кўз ташлаб берсам, катта шеърхонлик булади, ҳа, албатта сен ҳам уқийсан.

— Юсуф ака, мен шоир эмасман-ку, — деди ерга қараб.

— Сен, камтарлик қилма, кошки эди билмасам, ахир бир ҳовлида турамиз-ку, олиб чиқавер, уялма.

Болакайнинг шеърларини олиб чиқишдан бошқа иложи қолмаганди. Гарчи Юсуф Шомансур унинг аммасини ўғли булса ҳам шоир булгани учун бошқача ҳурмат қилар, дилдан яхши кўрар, ундан тортинарди. Ҳатто баъзан ўзи учун зарур булган саволларни сурашга ҳам ийманарди. Бу ийманиш ортида устозга ҳурмат, иқтидорли шоирга меҳр бор эди.

Меҳмондорчилик, қуюқ ва дилдан суҳбатлардан сўнг навбат шеърхонликка келди.

— Қани, Рауфжон, устозларингга шеърларингдан бир уқиб бер, баҳонада назарларидан ҳам ўтказиб оласан? — Юсуф ака шундай дед бир чеккада одоб сақлаб утирган Рауфжонга қаради. Шоирнинг кўз қарашидаги «дадилроқ булсанг-чи?» маъноси мадад булди.

У шеърларини ёддан, ҳаяжонланиб уқиб берди.

— Э, яша, баракалла, ҳа бу яхшигина шоир бола экансанку, нега шу пайтгача шеърларингни ҳеч кимга кўрсатмадинг? — дедилар Қуддус Муҳаммадий завқланганларидан одатдагидек тез-тез гапириб. Менга қара, бола, сен албатта шоир буласан, ҳа.

Устоз гапларини даврадагиларнинг ҳаммаси тасдиқлашди.

— Амакилари, биззи ўғилча ҳам шеъриятга қизиқади-да? — ўглининг кутилмаган ютуғидан фахрланди ота.

— Сен албатта бизникига боргин, болам, аллақанча китоблар бераман.

Уша туни ўн бир ёшли Рауфжон олам-олам қувончлар оғушида сира ухлай олмади.

«ГУЛХАН»ДАГИ КУНЛАР...

— Сенга жуда ҳавасим келади, — деб қолди бир куни мактабдош дусти Рауфжонга.

— Нима учун? — билишга қизиқди у.

— Сен ёзувчилар, шоирлар, газета мухбирлари билан доимо гаплашиб турасан. Улар менинг назаримда худди фаришталарга ўхшашади. Биз сингари овқатланишлари, жаҳллари чиқиши, биров билан ёқалашишларини тасаввур ҳам қилолмайман.

— Жа, унчаликмас, улар ҳам биз сингари оддий хулқ-атворга эга булган одамлар, фақатгина бировнинг дилини оғритиш, ёмонлик қилиш улар учун бегона, яъни демоқчиманки, кўпроқ яхшилик ҳақида ўйлашади, хуллас яхши одамлар.

— Худди оғайнилардек гаплашиб, қул олишиб турасизларми?

— Бўп туради, лекин бунинг нимаси галати? Истасанг, юр, сен ҳам гаплашишинг мумкин?

— Йуқ, менинг шеър ҳам, ҳикоя ҳам ёзиш қулимдан келмаса, нима, бориб индамай утиравераманми?

***

1968 йилнинг охирлари эди. Рауфжон Республика болалари ва усмирларининг журнали «Гулхан»га ишга қабул қилинди. Иш столига утириши биланоқ мактабдошининг айтган юқоридаги сузлари ёдига тушди, қалбининг аллақаерида қувонч, фахр ҳисси чарақлаб ўтди. Ҳа, у ҳақиқатан ҳам бахтли эди. Энди уша, мактабдоши тасаввур қилган фаришта монанд инсонлар билан бир хонада, бир жамоада ишлайдиган булди.

Журналнинг адабиёт булимини иқтидорли шоир Хайриддин Салоҳ бошқарарди. У киши олтмишинчи йилларда лирик шеърлар устаси сифатида машҳур булиб, «Наъматак» достони, шеър, қушиқлари эл оғзига туштанди.

Хайриддин ака билан бир хонада ишлаш бахтини адо этган Аллоҳга шукрлар булсин, дея ич-ичидан қувонарди у. «Укахон», — дерди Хайриддин ака, — «мана сиз, болаларга ёзасиз, бу катталарга ёзишдан кўра мушкулроқ. Сизга тасанно, бу йулга дадил кирдингиз, шеърларингиз менга ёқади. Сиз Қуддус Муҳаммадийнинг этагидан маҳкамроқ тутинг, у инсондан фикрий теранликни, Зафар Диёрдан ихчамлик ва оҳангдорликни ургансангиз булади».

Хайриддин Салоҳ узоқ умр кўрмади. Унинг айтган сами-

мий маслаҳатлари, ёзган шеърлари ёш шоирга қимматли мулк булиб қолди.

Рауф Толиб «Камалак» нашриётида Абдулазал Ваҳобов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тухтабоевдан кўп нарса урганди. Шамси Одил, Сафар Барноев, Эминжон Усмон, Мирпулат Мирзо, Эркин Сиддиқов билан булган ижодий фикрлашишлар, баҳс-мунозаралар ижодининг теранлашувига ҳисса қушди. Маҳмуд Муродов, Наримон Орифжонов, Яйра Саъдуллаева журналистик фаолиятида йул-йуриқлар курсатишди, устозлик қилишди.

ҚУДДУС БОБОНИНГ «ЯНГЛИШ»ГАНЛАРИ...

1980 йилнинг ёзи эди. Бир қанча китоблари чоп этилиб, эл орасида анча танилиб қолган Рауф Толиб янги ёзган шеърларини қултиқладию, устоз Қуддус бобо ҳузурига шошилди.

— Келганингиз яхши булди, бир туй-туйчиқ қилиб келайлик, келинойингизнинг қариндошлари айтиб кеттан экан, — дедилар Қуддус Муҳаммадий.

«Йуқ» дейиш одобдан булмагани сабаб шоир рози булди. Улар учовлон булиб йулга тушишди.

Туй Лабзақда эди. Кўп қаватли уйларнинг бири олдида ҳам тантана булаётган экан. Уларни бир гуруҳ зиёфат қатнашчилари ураб олишса буладими? Кимдир: «Ие, Қуддус ака-ку!» дея шодон хитоб қилса, бошқаси: «Бизни сийлаб келган булсангиз, сизни худо сийласин, қадамларингизга ҳасанот» дерди қуярга жой тополмай. Яна биров шоир билан қучоқлашиб кўриша кетди.

Шу пайт Рауф Толибнинг кўзи келинойига тушиб қолди. У аёллар қуршовида «омон-омонлашиб» борар экан, ҳадеб улар томонга қарарди. Бу қараш замирида қандайдир англашилмовчилик юз берганини ёш шоир сезиб турарди. Аммо на илож.

Ниҳоят туйдан қайтишар экан, кузатувчилардан ажралгач, кеннойи гинахонлик қила кетди:

— Атайлаб уйдан чиқиб бегона туйга бориб келаяпмиз, энди қариндошлар олдида...

— Хафа булманг онаси, янглишиб қолибман, у туйга ҳам борамиз, ахир булар ҳам бегона эмас-ку!

Аслида Қуддус Муҳаммадий мутлақо янглишмаган эди. Фақат ўз шоирларининг иззат-ҳурматини жойига қуювчи меҳрли инсонларнинг сазасини ўлдиргиси келмаганди, холос.

Бу воқеа ҳам ёш шоир хулқ-атворига, ижодига катта таъсир қилди.

ИЛМЛИЛАР МИНГ ЯШАР

Савол: — Рауф ака, болалар адабиётининг ҳозири ҳақида озгина гап айтсангиз?

Жавоб: — Узбек болалар шоирлари ва ёзувчилари тинмай ижод қилишмоқда. Мустақиллигимизни куйловчи шеър ва достонлар, давр нафасини ўзида акс эттирувчи ҳикоя ва қиссалар яратилянти. Аммо уларни китоб ҳолида нашр эттириш бир оз қийин кечмоқда. Болаларга китоблар сув билан ҳаводай зарур. Дуконларда катталарга усти ялтироқ китоблар кўпу, болаларга булса йуқ ҳисоби...

Савол: — «Болалар журналистикаси» деган атамага муносабатингиз?

Жавоб: — Бундай атаманинг ўзи йуқ. Шундай қўлланмани ҳали учратган эмасман. Олийгоҳларда ҳам сабоқ берилмайди. Болалар журналисти ёзиш қонун-қоидаларини ўзи яратиши керак. Муҳими болалар матбуотида ишлайдиган инсон кичикларнинг мураккаб, ўзига хос феъл-атвори, нималарни яхши кўришию, нималарни ёмон кўриши, нималарга қизиқишию, нималарни тушунишини, ҳатто баъзи ўринларда катталардан кўра сезгирроқ, хоинлигу ёлғонни кечира олмайдиганроқ, шу билан бирга гулдек нафис, булоқ сувидек тоза эканлигини яхши билиши, ёзганда булар эътиборидан четда қолмаслиги керак. Ва ниҳоят болаларга ёзувчи журналист ҳаддан ташқари сезгир, фикрни лунда, шу билан бирга содда ифодалар билан баён эта билиши лозим. Бироқ ҳамма ҳам болалар журналисти була олмайди. Ҳанузгача бундай меҳнат ўз қадрини дурустроқ топаётгани йуқ.

Савол: — Сизни нималар қувонтиради ва аксинча?

Жавоб: — Мустақиллик шарофати билан она Ватанимиз тарихини урганишга, узлигимизни англашга, муқаддас динимизга кенг йуллар очилгани беҳад қувонтиради. Аммо баъзи ўсмирларимизнинг ўз тарихини билишга, ота-бободларини таниб олишга жуда қам қизиқаётгани, кўп китоб уқмасликлари ташвишга солади. Қани энди улар «Илмлилар минг яшар...» ҳикматининг маъносини обдон чақиб кўришса.

Савол: — Қайси жойда ишлаган бўлсангиз ҳам доимо «Ёш қаламкашлар» тўгарагига раҳбарлик қилгансиз. Айни пайтда бизнинг газетадан шундай таклиф тушса нима дердингиз?

Жавоб: — «Гулхан»да ишлаганимда ҳам, ҳозир ҳам доимо ёш қаламкашлар ижодига эътибор билан қараганман. Уларнинг энг яхши машқларини журнал саҳифаларида эълон қилдик. Журналлар қошида адабиёт тўгараклари ташкил қилиб, уларга қўлимдан келган ёрдамимни аямадим. У вақтларда «Тонг юлдузи» «Ленин учқуни» номи билан аталарди. Бир қанча муддат ёш қаламкашлар мактабининг машғулотларини олиб борганман. Ҳозир уша шогирдларнинг кўпчилиги самарали ижод билан шуғулланишаяпти. Адабиётга қизиқкан ўқувчиларга ёрдам бериш, йулга солиш — хайрли иш! «Тонг юлдузи» газетаси қошида адабий тўгарак ташкил этилса, уни бошқаришга бажону дил тайёрман. Рауф аканинг розилиги, таҳририятимизнинг таклифи билан «Ёш қаламкашлар мактаби» машғулотларини давом эттиришни ният қилдик.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Шу йил 15 май, соат 15.00 да редакция биносида «Тонг юлдузи»нинг тарихий «Ёш қаламкашлар мактаби» ўз ишида бошлайди. Унга адабиётни севган, мухбирликка қизиққан турли ёшдаги ўқувчилар ташриф буюришлари мумкин.

Савол: — Оилангиз?..

Жавоб: — Тўрт фарзандим бор. Қизим — Умида булажак шифокор, тиббиёт олийгоҳининг 5-босқич толибаси. Ўғилларим Нодир билан Фарҳод тижорат ишлари билан банд. Набирам Давронжон боғчага боради.

Савол: — Режаларингиз?

Жавоб: — Яқинда янги китобим босмадан чиқади. Янги шеърлар, ҳикоялар ёзаяпман, насиб этса, улар улкан.

Савол: — Газетамиз хусусидаги фикрларингиз?

Жавоб: — «Тонг юлдузи»ни севиб ўқийман. Бугунги кун болалари ҳаёти, қизиқишлари, қувонч-ташвишлари билан ошно буламан. Ҳафтада аввалгидек икки маротаба чиқаётгани қувонтиради. Адабиёт-санъатга кенг ўрин берилмоқда. Ходимларнинг машаққатли ишларида куч-қувват тилайман.

ПЎЛАТ МЎМИННИНГ «ХЎ-ЎБ» ДЕГАНЛАРИ

Диққатингизга ҳавола этганимиз, машҳур шоирлар ҳақидаги қизиқарли ҳикоялар, савол-жавоблардан билиб олган булсангиз керак.

Гап болаликка содиқ инсонлардан яна бири, Узбекисон ёзувчилари ва журналистлари уюшмалар аъзоси, Республика кичкинтойларининг журнали «Ғунча»нинг масъул котиби Рауф Толиб ҳақида кетмоқда.

Таниқли шоир, Узбекистон Халқ ёзувчиси Пулат Мумин Рауф Толиб ҳақида шундай ёзадилар:

Рауфжон адабиётга катта иштиёқ, катта ҳавас билан кириб келди. Кўп ўқиди, изланди, устозларидан ижодий урганди. Шеърдан шеърга, китобдан китобга усиб, уз иқтидорини кўрсата борди. Бирин-кетин «Илмлилар минг яшар», «Осмонбог», «Эшитмадим деманглар», рус тилида: «Беседа», «Сын беседует с отцом» каби ун бешга яқин китоблари нашр этилди. Унинг шеър ва масаллари ўқувчини фикрлашга, мулоҳаза қилишга ўргатади, одамлар ҳақида ўйлашга ундайди, олам тўрисидаги тасаввурларни бойитади. Хуллас магзи тўқ, ибратомуз эртаклар яратди. Бунга «Жирафанинг нега бўйни узун?» деб номланган эртаклар китоби мисол була олади. Маслаҳатим билан бир неча қушиқлар ҳам ёздики, улар болалар томонидан севиб ижро этилмоқда.

Болаликка содиқ инсонлар

Кейинги йилларда Рауфжон ҳикоялар ҳам ёза бошлади. «Ҳамма ҳайрон» номли ҳикоялар китоби учун Узбекистон Давлат Матбуот қумитасининг «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар» кўрик-танлови совриндори булган.

Рауфжон узоқ йиллардан буён фақатгина болаларга атаб ижод қилиб келади. Мустақил юрт келажаги булган авлодни эътиқодли -иймонли қилиб тарбиялашга ҳисса қушмоқда. Унинг шеър, ҳикояларида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, ростлик,ҳалоллик, китоб ва илмга меҳр, дустликка садоқат каби мавзулар асосий уринни эгаллайди. Ҳаётдан олиб ёзилган, эсда қоларли шеърлари кўп. Ахир болаларга завқ-шавқ бериш, уларни хурсанд қилишдан ҳам ортиқроқ бахт борми?

Рауфнинг ёзганлари болаларга яқин, баҳслашади, фикрлашади, уларнинг қизиқишлари, уй-истаклари, ссвинч-ташвишларини яхши билади. Кичкинтойлардаги соддалик, камтарлик, самимийлик шоирнинг ўзида бор. Ҳали бировнинг дилини оғриттани, хафа қилганини билмайман.

Мана, Рауф Толиб чорак асрдан ортиқ вақтдан буён болалар матбуотида ҳалоллик билан ишлаб келмоқда. У кичкинтойлар адабиётининг тарғиботчиси, уз ишини жондан севадиган заҳматкаш, болалар журналисти. Қаранг, хизмат қилиб, оила бошқариб, эллик ёшга ҳам кириб қолибди. Ҳозир унинг ижоди айни гуллаган, юрагидагини ёзадиган пайти. Ёзавер Рауф, кўп-кўп, хуб-хуб...

Муҳтарам шоиримизнинг тилакларига биз ҳамкасблари — «Тонг юлдузи» ижодий ходимлари ҳам қуйидагиларни қушимча қиламиз: Қалбидаги яхшилик, бор самимият, одамохунлигу хокисорлик, ақл-заковат чеҳрасида ҳамиша намоён булиб турувчи камтарин устоз! Ижодингиз янада гулласин, узоқ йиллар болалар жуналистикасини бойишига мул-мул ҳиссангизни қушаверинг. Ярим асрлик ёшингиз муборак булсин!

Турсуной СОЛИЕВА.

ГУЛ ТЕРАДИ ОЙМОМА

Дедим кўкка боққан кез:
— Осмон гулзорми, дала?
Оқ чечак каби юлдуз
Очилар оқшом палла.

Оймома боғ оралаб
Юлдуз гуллар термоқчи.
Даста-даста саралаб
Ахир кимга бермоқчи?

Бу гуллар кимга, дея
Ойга тикилиб боқдим.
Марс бобогами ҳадя,
Ё ерга этар тақдим.

Ё юлдузлар тонг чоғи
Гулларга қунармикин?
Шундан гулзор қучоғи
Юлдуздай ёнармикин?

Оймомажон тун бўйи
Кимни излар ажабо?
Гулларни ҳидлар тўйиб
Қуёшга тутарми ё?

Ҳар куни осмон боғда
Оймомажон гул терар.
Айтинг, тонг отган чоғда
Гулларни кимга берар?

ОЛЧА ВА ТОК

Бир куни Олча токка
Сўзлаб дер тикка-тикка:
— Қанақасан, дўстим ҳой,
Қучоғимдан бердим жой.
Энди эса уралиб,
Илон каби буралиб
Очирмасдан кўзимни,
Қисаяпсан узимни?
Кур, мевам майда-майда,
Пишардим ҳар йил майда.
Бу йил ҳолим чатоқдир,
Мевам нурга чанқоқдир.

Ток деди: — Эй уртоқжон,
Менга ҳам тутма осон.
Яшасайдим сурида,
Меваларим турида
Ёзардим эркин қулоч,
Не қилайки, йўқ илож.
Сен ҳам усиб кетмадинг,
Мен ҳам униб битмадим.
Иккимиз талашиб жой,
Умрни утказдик вой.

НАБИРАНГИЗ МЕН УЗИМ

Бувим дер: — Кексалик ҳам
Касаллик экан, ўглим,
Иш-ла овунай десам,
Дармонсиз, кучсиз қўлим.

— Бувижон, бўлманг диққат,
Мен сизнинг қўлингизман.
Айтинг, бор қандай хизмат?
Мен жону дилингизман.

— Зерикаман барибир,
Қандоқ қиламан ахир?
Қалтирар оёқ қургур,
Юролмай қолдим охир.

— Буви, ўйламанг қиттай,
Оёғингиз мен узим.
Қаерга бориб келай?
Учай шамолдай узиб.

— Танимадим,
Сен кимсан,
Холми, Дилбар, Нурисан?
— Набирангиз Ҳуриман,
Кўзингизнинг нуриман.

Рауф ТОЛИБ.

Мактабдаги учрашувларнинг бирида сўрашди:

«Сиз журналистларни ўқитадиган домлалар ҳақида ҳам ёзасизларми?» Биз «албатта» дея жавоб бердик. Яқинда эса устозимиз, муҳтарам домламизнинг ўзлари, халқаро Яссавий мукофоти совриндори, профессор БЕГАЛИ ҚОСИМОВ бир тўйхат олиб келиб қолдилар. Биз эса бу ҳам болаларнинг саволига айнан жавоб бўлажагидан қувондик.

ОЛИМ — МУАЛЛИМ

Муаллим. Бу сўзнинг маъноси илм ўргатувчи дегани. Илмни ўргатиш учун уни билиш, яъни олим бўлиш керак. Демак, олим ва муаллим сўзларининг ўзаги битта. Чинакам муаллим — олимдир, олим эса муаллимдир. Худди ана шундай муаллимлардан бири, Тошкент Давлат университети доценти, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевдир. 35 йилдан буён ўзбек адабиётидан дарс бериб келаётган бу инсонни фақатгина адабиётимиз мутахассисларигина эмас, мухлислари ҳам яхши биладилар. Шу орада у кишининг қўлида жуда кўплаб талабалар сабоқ олди. Бугун домланинг шогирдлари орасида қанчадан-қанча фан номзодлари, фан докторлари, фанлар академиясининг мухбир аъзолари, журналистлар бор.

Ҳасанхўжа ака 1972 йилда «Фузулий ва ўзбек адабиёти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган ва шу мавзу юзасидан Ўзбекистон ва Озарбайжонда бир қатор мақолалар эълон қилган эдилар. 1976 йилда ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларига доир «Қардошлик туйғуси» деган китоблари чоп этилди. Машраб ижодига бағишланган қатор мақолалари пайдо бўлди. Шу тариқа Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев биринчи навбатда ўзбек-озарбайжон адабий ҳамкорлиги бўйича қилган ишлари билан кўпчиликка танилди.

Илм-фанни тарғиб ва ташвиқ этиш, унинг ютуқлари ва натижаларини, табиат ва жамиятдаги ўрнини содда, оммабоп тилда халқ орасига кенг ёйиш ҳам ғоят муҳим ишдир. Буни маърифатчилик дейдилар. Ҳасанхўжа ака ана шу масалага ҳам алоҳида эътибор билан қарайдилар. Бунга радио ва телевидение учун тайёрлаб келаётган қадим ва бой адабиётимизнинг тараққиёт босқичлари, мумтоз шоирларимиз ҳақидаги эшиттириш ва телекўрсатувлари далилдир. Айниқса, у кишининг мумтоз шаъриятимизнинг мусиқа билан ҳамкорлиги, назм ва наво бирлиги ҳақидаги кўрсатувлари эътиборга молик.

Ҳасанхўжа акада яна бир муҳим фазилат бор. У ҳам бўлса ташкилотчилик. Маҳаллада тўйларни, касбдошлари бўлса ўзларининг турли-туман йиғинларини ўтказиб беришни кўпроқ шу кишига ишонадилар. Домла гапнинг маромини, ҳар бир кишининг иззатини ўз жойига қўйишни яхши биладилар. Халқимизнинг энг яхши анъаналарини, урф-одатларини, донишмандларимиз ўгитларини муқаддас тутадилар. Қайсидир вақт газеталарда Ҳасанхўжа аканинг қариялар уйида яшовчи инсонларга ош бергани, шахсий кутубхонасидан улар учун кўплаб китоблар ажратгани ҳақида ёзилганди.

Марҳум шоиримиз Чустий Ҳасанхўжа ака номзодлик диссертациясини ёқлаган 1972 йилнинг 4 майида шундай шеър битганди:

Катта устоз ҳақида кичик сўз

Анжуман тузди азизлар илму
дониш боғида
Бу улуғ фан гулшани яшнар
Ватан туфроғида.

Завқу шавқ бирла булбуллар
тараннум айлашиб
Очти мазмун ғунчасин ҳар лаб
очилган чоғида.

Қолмади нодир тафаккурнинг
ичида ҳеч тугун
Аста-аста ечдилар ўткир
билим тирноғида.

Офарин, таҳсин, тасанно
бирла табриклар хати
Бир ғазалдек жилва берди
гулларин япроғида.

Яъни эл кўрди Ҳасанхожа
деган бир номни
Эрку меҳнат бахт омаднинг
баланд байроғида.

Бор ишончим шубҳасиз,
юксакка интилгай яна,
Сайд этар мақсадлар оҳусин
зафарлар боғида.

Ғайратингга офарин, минг
раҳмат устозингга деб,
Бу садо авж олди минг-минг
ёру дўст ўртоғида.

Сут каби оппоқ дили оппоқ
сочию навқирон
Ҳиссасин кўрдим татимли бу
ҳаёт қаймоғида.

Анжуманга бебаҳо совға
кетурди дўстларинг,
Топганимни Чустий
келтирдим ғазал белбоғида.

Тошкент Давлат университети ўзбек классик адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев бу йил 60 ёшга тўлди. Биз домланинг кўплаб ҳамкасблари номидан соғлиқ, омонлик, илмий-педагогик ишларида эса улкан муваффақиятлар тилаймиз.

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА 10 САВОЛ

Викторинанинг иккинчи тур саволлари

1. Соҳибқиронга «Темур» исмини ким қўйган эди?
2. Темур неча ёшга тўлганда отаси уни масжидга олиб келган?
3. Соҳибқирон Шаҳрисабздаги Оқсаройни қачон барпо эттирган?
4. Амир Темурнинг икки хотинидан бир йилда туғилган икки ўғлининг исмлари нима эди?
5. Соҳибқирон Самарқанд атрофида нечта боғ барпо эттирган ва бу боғлар қандай аталарди?
6. Амир Темур 25 ёшида қайси шаҳарга ҳоким бўлган?
7. Амир Темур ва 1342-1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳақида соҳибқирон тилидан ҳикоя қилувчи асарнинг номи нима?
8. Темур неча ёшида от миниб ов қилиш билан шуғуллана бошлаган?
9. Темур икки сўздан иборат қандай жумлага умр бўйи риоя қилган ва бу сўзларнинг маъноси нима эди?
10. Амир Темурнинг қуйидаги ўгитини давом эттиринг: «Аввал йўл, кейин...»

викторина1-тур саволларининг жавоблари

1. Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Туроннинг Кеш тумани Хўжаилғор қишлоғида туғилган.
2. Амир Темур отасининг исми Муҳаммад Тарағай Баҳодурхон бўлиб, у туркнинг барлос уруғига мансуб эди.
3. Темур 7 ёшидан бошлаб мадрасада ўқий бошлаган.
4. Амир Темур онасининг исми Тегина Моҳбегим эди.
5. Амир Темур 9 ёшидан бошлаб намоз ўқий бошлаган.
6. Соҳибқирон ҳақидаги асарлар: Шарафуддин Али Яздий — «Зафарнома», Низомиддин Шомий — «Зафарнома», Ибн Арабшоҳ - «Ажойиб алмақдур фи тарих Таймур», Салоҳиддин Тошкандий — «Темурнома», Рюи Гонзалес де Клавихо— «Кундаликлар», «Самарқандга Темур саройига 1403-1406 йиллар қилинган саёҳатнома».
7. Темурнинг энг биринчи пири Шамсиддин Кулол эди.
8. Амир Темур амир Қозоғоннинг набираси Ўлжой Туркон оғога уйланганлиги сабабли унга «Кўрагон» (мўғулча «куёв» дегани) номи берилган.
9. Бу олим академик Иброҳим Муминов эди.
10. «Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал».

Ушбу жавобларни бизга Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидан Комила Муслимова, Дилнавоз Ибодова, Малоҳат Ражабова, Гулида Нуримова, Умиджон Халилов, Абдулазиз Очилов, Озодахон Холова, Гулноза Шаропова, Олим Мардонов ҳамда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани Зарафшон жамоа хўжалигидан Муқаддас Очиловалар йуллашган. Бу - дастлабки хатлардир. Викторинамизнинг 1-тур жавоблари битилган мактублар таҳририятимизга ҳамон келиб турибди. Уларни ҳам ҳисобга оламиз.

МАЪНО АНГЛАТУВЧИ ҲАРФЛАР

Дунёда шундай номлар борки, у бир ҳарфдангина иборат. Масалан, Норвегияда «А» шаҳарчаси бор. Каролина оролидаги аҳоли истиқомат қиладиган жойнинг номи «И», Францияда «Ю» қишлоғи бор.

ИБТИДОИЙ УСУЛ БИЛАН

Филиппин оролларидан бири — Миданао чангалзорларида яқинда унча катта бўлмаган «тасадан» қабиласи кишилари тош асрида бўлгани каби оловни ҳамон ибтидоий усул, яъни ёғочни қаттиқ жисмга ишқалаш орқали олишар экан.

КУЙЛОВЧИ ҚУДУҚ

Болгариянинг Хлевена қишлоғида ажойиб қудуқ бор. Вақти-вақти билан ундан жуда нафис куй таралади. Маҳаллий аҳоли уни куйловчи қудуқ деб атайди. Қудуқдаги сув сатҳи гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради. Бу сирни излаган олимлар уни худди мана шундан топдилар. Маълум бўлишича, қудуқдаги сув камайганда анча юқоридан тушаётган томчилар қудуқ тубига урилиб, куй ҳосил қилар экан.

Ўқи, қизиқ

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ГУЛ

Ява ороллари вулқонлари кўплиги билан ўзига хос. Унинг ён бағирларида ва чўққиларида «Қирол примуласи» деб номланган ажойиб гул ўсади. У вулқон ҳаракатга келиши олдидан жуда чиройли бўлиб очилади ва аҳолини яқинлашаётган хавфдан огоҳ этади.

Козимжон ОРИПОВ тайёрлади.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ

Газетамизнинг 24 апрель сонидаги бошқотирманинг жавоби.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0257.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй